

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАДАХАНОВА МАРЯМХОН БАХТИЁР ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТЛАРИДА  
ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗНИНГ ТУГУНЛИ ХОСИЛАЛАРИ  
(КЛИНИКАСИ, ГИСТОПАТОЛОГИЯСИ ВА НАТИЖАЛАРНИ  
БАШОРАТ ҚИЛИШ)**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Дадаханова Марямхон Бахтиёр қизи**

Ўзбекистон Республикаси шароитларида қалқонсимон  
безнинг тугунли хосилалари (клиникаси, гистопатологияси ва  
натижаларини башорат қилиш)..... 3

**Дадаханова Марямхон Бахтиёр қизи**

Узловые образования щитовидной железы в условиях  
Республики Узбекистан (клиника, гистопатология  
и прогнозирование исходов)..... 25

**Dadakhanova Maryamkhon Bakhtiyor kizi**

Nodules of the thyroid gland in the conditions of the  
Republic of Uzbekistan (clinic, histopathology and  
prediction of outcomes)..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАДАХАНОВА МАРЯМХОН БАХТИЁР ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТЛАРИДА  
ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗНИНГ ТУГУНЛИ ХОСИЛАЛАРИ  
(КЛИНИКАСИ, ГИСТОПАТОЛОГИЯСИ ВА НАТИЖАЛАРНИ  
БАШОРАТ ҚИЛИШ)**

**14.00.03 – Эндокринология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib2653 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент Давлат Тиббиёт Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халимова Замира Юсуфовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Муратова Шахло Тахиржановна**  
тиббиёт фанлари доктори, к.и.х.

**Шамансурова Зулайхо Муралимжановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz)).

Диссертация билан Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Г.А. Алимухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**У.А. Мирсаидова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Х.К. Насирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раис уринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қалқонсимон без касалликлари энг муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бирига айланди. Улар орасида қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилалари алоҳида ўрин тутди, улар юқори тарқалганлиги, турли хил клиник кўринишлари ва эрта ташхис қўйиш ва прогноз қилишдаги сезиларли қийинчиликлар билан ажралиб туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...қалқонсимон без тугунлари аҳолининг 4-7 фоизида палпация, 50-60 фоизида ултратовуш ёрдамида аниқланади...». Аёллар орасида касаллик эркактарниқига нисбатан 3-4 баравар юқори ва тугунларнинг хавфли ўсмаларга ўзгариши даражаси 5 дан 15% гача ташкил этади. Ушбу патологиянинг тарқалиши аста-секин ўсиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, қиёсий ташхислаш, гистопатологик текшириш ва касалликни натижаларини башорат қилиш масалалари айниқса долзарб бўлиб бормоқда. Индивидуал клиник, диагностик ва морфологик тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, маҳаллий эндокринологияда қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилаларининг тузилишидаги минтақавий фарқлар, клиник ва гистопатологик хусусиятлар ўртасидаги боғлиқлик, ёмон сифатли ўсманинг хавф омиллари ва касаллик натижаларини эрта прогноз қилиш қобилияти билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинмаган. Ҳозирги вақтда тиббиёт фани қалқонсимон без тугунлари учун нохуш оқибатларни башорат қилувчи омилларини аниқлаш, ёмон сифатли ўсманинг хавфини баҳолаш ва индивидуал прогностик мезонларни аниқлаш учун клиник, лаборатория ва морфологик ёндашувларни бирлаштирадиган кенг қамровли тадқиқотларни талаб қилади.

Жаҳонда қалқонсимон безнинг тугуни шаклланишининг клиник, гистопатологик ва прогностик хусусиятларини ўрганиш, касалликнинг патогенезини чуқурроқ тушуниш, ташхислашни оптималлаштириш ва эндокринологик амалиётда профилактика ва терапевтик тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада баҳолашнинг халқаро стандартларини интеграция қилиш, Ўзбекистон шароитида ташхислаш алгоритмларни оптималлаштириш ҳамда қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилалари мавжуд бўлган беморларда минтақавий эпидемиологик хусусиятлар ва йод билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олган илмий ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалар талабларига мослаштириш, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва тиббий хизматни жаҳон стандартларига мослаштириш бўйича кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>1</sup>. Ушбу

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифалардан келиб чиққан ҳолда, турли касалликларнинг аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олиш, тиббий хизмат даражасини янги босқичга кўтариш, илғор технологияларни татбиқ этиш ҳамда самарали даволаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 1 январдаги ПҚ-102-сон “Эндокринология хизмати кўламларини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда қалқонсимон безнинг тугунли хосилаларини ўрганиш, шунингдек ACR TI-RADS ва Bethesda тизимларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий ишлар сезиларли даражада кўпайди. Етакчи халқаро илмий журналларда чоп этилган кўплаб кўп қиррали таҳлил ва когорт тадқиқотлар бу тизимларнинг хавф даражасини аниқ белгилаш, башорат кўрсаткичларни баҳолашда юқори самарадорлигини тасдиқлади (Modi et al., 2023; Guldogan et al., 2022; Zloczower et al., 2022). Тадқиқотлар натижаларига кўра, мазкур тизимлар ортиқча жарроҳлик даволашлар сонини сезиларли камайтиради, ва хавфли тугунларни аниқлашда юқори сезгирликни сақлаб қолади (Yazicioğlu et al., 2022; Karatay et al., 2022). Шу билан бирга, йод танқислиги ва ижтимоий-иқтисодий ўзига хос шароити бўлган ҳудудларда мазкур алгоритмларнинг мослаштирилиши ва стандартлаштирилиши бўйича муаммолар ҳали ҳам ўз ечимини топмаган. Ушбу муаммолар билан боғлиқ бу масалалар батафсил ўрганишни талаб этади, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Қалқонсимон безнинг тугунли хосилалари эндокрин патологиянинг энг кенг тарқалган шаклларида бири бўлиб, турли соҳалардаги тадқиқотчилар - клиницистлар, эндокринологлар, морфологлар ва эпидемиологлар орасида катта қизиқиш уйғотади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, умумий популяцияда тугунларни аниқлаш даражаси палпация билан 4-7% га ва ултратовуш ёрдамида 50-60% гача, бу касалликнинг сезиларли даражада яширин тарқалишини кўрсатади. Йод танқислиги, радиация таъсири, генетик мойиллик ва аутоиммун касалликларни ўз ичига олган тугунли букоқнинг патогенези, клиник ва гормонал кўринишлари ва ривожланишининг хавф омиллари глобал илмий адабиётларда кенг ўрганилган (Rosai J., 2018; Nikiforov Y.E., 2023; LiVolsi V.A., 202; Harach H.R.

ва бошқ., 2017). Тугун шаклланишининг молекуляр генетик жиҳатларига, BRAF, RAS, RET/PTC ва PAX8/PPAR $\gamma$  генларидаги мутацияларнинг ролига, шунингдек, яхши ва хавфли тугунларнинг морфогенезига катта эътибор берилади. Бирок, тўпланган маълумотларга қарамасдан, қалқонсимон без тугунларининг клиник, гормонал ва морфологик хусусиятларининг минтақавий фарқлари, шунингдек, қалқонсимон бездаги структуравий ва функционал ўзгаришлар ҳамда атроф-муҳит ва метаболик омиллар ўртасидаги боғлиқлик Ўзбекистон Республикасида етарлича ўрганилмаган. Касаллик натижаларини прогностик баҳолаш ва клиник, гормонал ва гистопатологик маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида қалқонсимон без тугунларининг малигнизация хавфи мезонларини ишлаб чиқишга қаратилган тизимли тадқиқотлар ҳали ҳам мавжуд эмас.

Ўзбекистонда йод билан таъминланганлиги турли хил бўлган ҳудудларда қалқонсимон без касалликларининг тарқалишини баҳолаш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилган (проф Исмаилов С.И., Рашитов М.М., Каримова М.М., 2004 ва Юлдашев Р.А., Каримова Г.Т., Саидов А.А., 2021; Турғунов А.Х., Мусаева Н.И., 2022). Ичимлик суви ва озиқ-овқатда йод танқислиги тугунли буқоқ касаллигининг кўпайишининг асосий омили эканлиги аниқланган. Қатор тадқиқотлар тугунли шаклланишларнинг клиник ва ультратовуш хусусиятларини, қалқонсимон без ҳолатини баҳолашни ва қалқонсимон без ўсмаларини ташхислашда нозик игна аспирацион биопсиядан фойдаланишни таъкидлайди.

Шу боис мазкур муаммонинг ҳозирги билим даражаси Ўзбекистон Республикасида қалқонсимон без тугунларини комплекс эндокринологик тадқиқ қилиш, жумладан, клиник, гормонал, морфологик, прогностик таҳлил қилиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертацион иш Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институтининг «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш» номли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (Шифр: 03.191, Давлат рўйхат рақами: 01980006703).

**Тадқиқотнинг мақсади** қалқонсимон без тугунли ҳосилалари бўлган беморларда клинко-гистопатологик параллелликларни аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси шароитида касаллик натижаларининг проностик моделини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1990–2000 йиллар ва 2010–2020 йиллар даврида стационарга ётқизилган беморлар маълумотлари асосида қалқонсимон без тугунли ҳосилаларининг клиник, гормонал ва ультратовушли хусусиятларини аниқлаш;

кўрсатилган даврлар учун қалқонсимон без тугунли ҳосилаларининг гистоструктурасини ретроспектив таҳлил ўтказиш;

касаллик прогнозини баҳолаш мақсадида клиник, антропометрик, ультратовуш, гормонал ва гистопатологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда кўп омилли таҳлилни ўтказиш;

қалқонсимон без тугунли ҳосилаларини (ҚБТХ) эрта аниқлаш ва босқичма-босқич даволаш учун оптимал прогностик мезонларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1990–2000 йиллар ва 2010–2020 йиллар даврида академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий марказининг эндокрин жарроҳлик бўлимида қалқонсимон без тугунли ҳосилалари бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг касаллик тарихи асосида ретроспектив таҳлил натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биокимёвий ва гормонал таҳлиллар ўтказиш учун қон зардоби, шунингдек, биопсия учун қалқонсимон без хужайралари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий (билирубин, АЛТ, АСТ, ПТИ, СРБ), гормонал (ТТГ, эркин тироксин, тиреопероксидазага, тиреоглобулинга ва тиреоцит рецепторларига қарши антитаначалар), инструментал текширув (ЭКГ, қалқонсимон без УТТси, ингичка игнали аспирацион биопсия) ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** куйидагилардан иборат:

1990-2000 ва 2010-2020 йилларда қалқонсимон без тугунли ҳосилалари бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг тиббий маълумотларини қиёсий ретроспектив таҳлили асосида касалликнинг клиник кечишидаги ўзгаришларнинг асосий шакллари, хавсиз ва хавфли ўсмаларнинг пайдо бўлиш частотаси, асосий хавф омиллари аниқланган;

катта клиник материал асосида қалқонсимон безнинг клиник-гормонал кўрсаткичлари ва ултратовуш хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш илк бор TI-RADS тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, гормонал ҳолат ва тугунли зарарланиш турига қараб индивидуал ултратовуш белгиларининг диагностик аҳамияти асосланган;

Bethesda тизими асосида тугунли ҳосилаларнинг гистологик хусусиятларини уларнинг ACR TI-RADS бўйича таснифланган ултратовуш турлари билан тизимли таққослаш орқали ноинвазив дифференциал диагностика имкониятларини кенгайтириш имкон берадиган морфологик ва ултратовуш хусусиятлари ўртасидаги ишончли боғлиқлик аниқланган;

кўп омилли таҳлил асосида клиник, гормонал, ултратовуш ва морфологик кўрсаткичларни баҳолашни, оптималлаштирилган диагностикани таъминлашни, консерватив давони ўз вақтида бошлашни ва асоратларни олдини олишни ўз ичига олган қалқонсимон без тугунли ҳосилаларини эрта аниқлашнинг прогностик модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси шароитида қалқонсимон без тугунли ҳосилаларининг скрининг ва эрта ташхисот тизими такомиллаштирилган;

беморларни малигнизация хавфи даражасига кўра стратификациясини яхшилаш ва беморларни асоссиз шифоҳонага ётказиш сонини қисқартириш имконини бериши асосланган;

кичик тугунлар аниқланганда амбулатор шароитда даволаш имкониятларини кенгайтириш орқали даволаш сарф-ҳаражатларини камайтириши исботланган;

замонавий халқаро таснифлар (ACR TI-RADS, Bethesda) асосида тавсияларни жорий этиш орқали тиббий ёрдамнинг сифатини ва аҳоли учун унинг оммабоплигини ошириши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, биокимёвий, гормонал, инструментал текширув ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлигини, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҚБТХда клиник, гормонал, аутоиммун ва морфологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик механизмлари илмий асосланган бўлиб, уларнинг шаклланиши ва ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаштиришга имкон бериши, ҚБТХни фарқлашнинг гистопатологик мезонлари аниқланган ва тизимлаштирилган, қалқонсимон без тугунларида хавфли асоратлар хавфини баҳолаш учун ишлаб чиқилган прогностик модел шахсийлаштирилган эндокринология ва қалқонсимон без касалликлари прогнози бўйича кейинги тадқиқотлар учун илмий асос яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҚБТХнинг ривожланишини эрта аниқлаш ва хавфни баҳолаш, диагностика аниқлиги ва клиник мониторинг самарадорлигини ошириш учун диагностик ва прогностик мезонлар ишлаб чиқилганлиги, клиник, гормонал ва морфологик параметрларнинг комбинациясига асосланган касаллик натижаларининг прогностик модели амалиётда эндокринологияда беморларни хавф бўйича табақалаш ва индивидуал даволаш стратегияларини танлаш учун ишлатилиши мумкинлиги, баъзи морфологик ва иммуногистокимёвий белгилар яхши ва хавфли тугунлар ўртасида аниқроқ дифференциал таххис қўйиш имконини бериши ва шу билан патологик баҳолашнинг аниқлигини оширганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши.** Ўзбекистон Республикаси шароитларида қалқонсимон безнинг тугунли хосилалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* 1990-2000 ва 2010-2020 йилларда қалқонсимон без тугунли хосилалари бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг тиббий маълумотларини қиёсий ретроспектив таҳлили асосида касалликнинг клиник кечишидаги ўзгаришларнинг асосий шакллари, хавсиз ва хавфли ўсмаларнинг пайдо бўлиш частотаси, асосий хавф омиллари аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 апрелда 225-сон билан тасдиқланган «Внедрение классификации ACR TI-RADS у пациентов с узловыми образованиями щитовидной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Фарғона вилояти филиали эндокринология бўлими бўйича 16.05.2024 йилдаги 29-сон ҳамда

Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси эндокринология бўлими бўйича 17.05.2024 йилдаги 31-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/13-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилаларини эрта босқичларида аниқ ташхислаш учун ултратовуш диагностикасида ACR TI-RADS тизими бўйича текширувлар ўтказилиб, шкала бўйича балларни ҳисоблаш ва ингичка игнали аспирацион биопсия BETHESDA тизими ёрдамида таснифлаш орқали касаллик кечишини башоратлашга, шунинг натижасида асоратларни учарш частотасини камайтириш ва бесабаб жарроҳлик аралашувларнинг олдини олишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 990000 сўм маблағлар (стационарда 1 кун даволаниш нархи 330000 сўмни ташкил этади) қалқонсимон без паталогиясини эрта ташхислаш, асоратларни ва жарроҳлик амалиётини камайтириш ҳисобига беморларни шифохонада даволаниш муддатини 3 кунга қисқариш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* катта клиник материал асосида қалқонсимон безнинг клиник-гормонал кўрсаткичлари ва ултратовуш хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш илк бор TI-RADS тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, гормонал ҳолат ва тугунли зарарланиш турига қараб индивидуал ултратовуш белгиларининг диагностик аҳамияти асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 апрелда 225-сон билан тасдиқланган «Внедрение классификации ACR TI-RADS у пациентов с узловыми образованиями щитовидной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМ Фарғона вилояти филиали эндокринология бўлими бўйича 16.05.2024 йилдаги 29-сон ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси эндокринология бўлими бўйича 17.05.2024 йилдаги 31-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/13-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилаларини эрта босқичларида аниқ ташхислаш учун ултратовуш диагностикасида ACR TI-RADS тизими бўйича текширувлар ўтказилиб, шкала бўйича балларни ҳисоблаш ва ингичка игнали аспирацион биопсия BETHESDA тизими ёрдамида таснифлаш орқали касаллик кечишини башоратлашга, шунинг натижасида асоратларни учарш частотасини камайтириш ва бесабаб жарроҳлик аралашувларнинг олдини олишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 990000 сўм маблағлар (стационарда 1 кун даволаниш нархи 330000 сўмни ташкил этади) қалқонсимон без паталогиясини эрта ташхислаш, асоратларни ва жарроҳлик амалиётини камайтириш ҳисобига беморларни шифохонада даволаниш муддатини 3 кунга қисқариш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* Bethesda тизими асосида тугунли ҳосилаларнинг гистологик хусусиятларини уларнинг ACR TI-RADS бўйича таснифланган

ултратовуш турлари билан тизимли таққослаш орқали ноинвазив дифференциал диагностика имкониятларини кенгайтириш имкон берадиган морфологик ва ультратовуш хусусиятлари ўртасидаги ишончли боғлиқлик аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 апрелда 225-сон билан тасдиқланган «Внедрение классификации ACR–TIRADS у пациентов с узловыми образованиями щитовидной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Фарғона вилояти филиали эндокринология бўлими бўйича 16.05.2024 йилдаги 29-сон ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси эндокринология бўлими бўйича 17.05.2024 йилдаги 31-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/13-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилаларини эрта босқичларида аниқ ташхислаш учун ультратовуш диагностикасида ACR–TIRADS тизими бўйича текширувлар ўтказилиб, шкала бўйича балларни ҳисоблаш ва ингичка игнали аспирацион биопсия BETHESDA тизими ёрдамида таснифлаш орқали касаллик кечишини башоратлашга, шунинг натижасида асоратларни учарш частотасини камайтириш ва бесабаб жарроҳлик аралашувларнинг олдини олишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 990000 сўм маблағлар (стационарда 1 кун даволаниш нархи 330000 сўмни ташкил этади) қалқонсимон без паталогиясини эрта ташхислаш, асоратларни ва жарроҳлик амалиётини камайтириш ҳисобига беморларни шифохонада даволаниш муддатини 3 кунга қисқариш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* кўп омилли таҳлил асосида клиник, гормонал, ультратовуш ва морфологик кўрсаткичларни баҳолашни, оптималлаштирилган диагностикани таъминлашни, консерватив давони ўз вақтида бошлашни ва асоратларни олдини олишни ўз ичига олган қалқонсимон без тугунлар ҳосилаларини эрта аниқлашнинг проностик модели ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 3 апрелда 225-сон билан тасдиқланган «Внедрение классификации ACR–TIRADS у пациентов с узловыми образованиями щитовидной железы» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Фарғона вилояти филиали эндокринология бўлими бўйича 16.05.2024 йилдаги 29-сон ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси эндокринология бўлими бўйича 17.05.2024 йилдаги 31-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/13-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилаларини эрта босқичларида аниқ ташхислаш учун ультратовуш диагностикасида ACR–TIRADS тизими бўйича текширувлар ўтказилиб, шкала бўйича балларни ҳисоблаш ва ингичка игнали аспирацион биопсия BETHESDA тизими ёрдамида таснифлаш орқали касаллик кечишини

башоратлашга, шунинг натижасида асоратларни учарш частотасини камайтириш ва бесабаб жарроҳлик аралашувларнинг олдини олишга эришилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун сарфланадиган 990000 сўм маблағлар (стационарда 1 кун даволаниш нархи 330000 сўмни ташкил этади) қалқонсимон без паталогиясини эрта ташхислаш, асоратларни ва жарроҳлик амалиётини камайтириш ҳисобига беморларни шифохонада даволаниш муддатини 3 кунга қисқариш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда, 8 та тезис ва услубий тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилаларининг долзарблиги, уларни эрта аниқлашнинг аҳамияти, халқаро стандартларни (ACR TI-RADS, Bethesda) минтақавий шароитларга мослаштириш зарурати таъкидланган. Шунингдек тадқиқотнинг асосий вазифалари замонавий ташхис усуллари интеграция қилиш ва маҳаллий аҳолида эпидемиологик қонуниятларни таҳлил этиш масалалари белгилаб берилган.

Биринчи боб - «Қалқонсимон без тугунли ҳосилаларининг патогенези, клиник хусусиятлари, ташхисоти ва башоратининг замонавий ёндашувлари» деб номланиб, унда мазкур паталогиянинг патогенези бўйича замонавий илмий маълумотларга умумий таҳлил берилган. Қалқонсимон без тугунларининг асосий этиологик омиллари - йод танқислиги, генетик ва экологик таъсирлар аниқ ёритилган, шунингдек, касалликнинг клиник кўринишлари ва кечиш жараёнлари тўлиқ акс эттирилган. Ушбу бобда айниқса ташхисотга алоҳида эътибор қаратилган яъни замонавий усуллар (УТТ, ACR TI-RADS, Bethesda тизимлари), хавф омиллари бўйича стратификация алгоритмлари, шунингдек, молекуляр-генетик маркерлар ва башоратлаш моделларнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Бобнинг асосий ғояси - халқаро стандартлар ва минтақавий эпидемиологик хусусиятлар асосида комплекс ташхис қўйиш ҳамда индивидуал башорат қилиш зарурлигини асослаб беришдан иборат.

Иккинчи боб - «Тадқиқот материаллари ва усуллариининг клиник тавсифи»

Иккинчи бобда таҳлилга киритилган беморлар контингенти (жами 1232 та ҳолат) тўлиқ баён этилган. Беморлар жинси, ёши ва кузатув даврларига (1990–2000 ва 2010–2020 йиллар) кўра гуруҳларга ажратилган ҳолда тавсифланган. Беморларнинг клиник белгилари, тугунли ҳосилаларининг тузилиши ва морфологик хусусиятларига кўра стратификация жадваллари келтирилган. Тадқиқотда замонавий ташхис усуллари - ACR TI-RADS тизими бўйича ультратовуш текшируви, биокимёвий ва гормонал таҳлиллар, шунингдек Bethesda тизими асосида цитологик таҳлиллар қўлланилган.

Маълумотларнинг статистик ишлов бериш услуги, беморларни тадқиқотга киритиш ва чиқариш мезонлари атрофлича баён этилган. 1-жадвалда тадқиқотга маълумотларни киритиш ва чиқариш мезонлари келтирилган.

### 1-жадвал

#### Тадқиқотга киритиш ва чиқариш мезонлари


	Киритиш мезонлари	Истисно мезонлари
1.	УТТда аниқланган тугунлар	18 ёшдан кичик
2.	18 ёшдан катта	Аввалдан саратон ёки метастаз аниқланганлар
3.	Bethesda бўйича цитология натижалари мавжуд	Декомпенсацияланган касалликлар
4.	Клиник, лаборатор ва морфологик маълумотлар етарли	ИИБ (ТАБ) ўтказишдан бош тортганлар
5	Шошилич тиббий ёрдамни талаб қилмайдиган барқарор умумий ҳолат	Тадқиқот кўрсаткичларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли ёмон сифатли ўсмаларнинг мавжудлиги

Диссертация ишида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун комплекс ташхисот усуллари қўлланилди, жумладан: клиник ва анамнез маълумотларини таҳлил қилиш, ACR TI-RADS тизими бўйича қалқонсимон безнинг ультратовуш текшируви, -қоннинг биокимёвий таҳлиллари (билирубин, АЛТ, АСТ, С-реактив оқсил (СРО)), - гормонал синамалар (ТТГ, эркин Т4, антитаначалар), - Bethesda тизими асосида цитологик таснифланган ингичка игна аспирацион биопсияси, рентгенологик усуллар, электрокардиограмма, зарурат туғилганда молекуляр-генетик маркерларни баҳолаш, маълумотларни статистик қайта ишлаш (SPSS, STATISTICA, Microsoft Excel дастурлари ёрдамида).

Барча умумий клиник, биокимёвий ва гормонал тадқиқотлар академик Ё.Ҳ. Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) лабораторияси базасида амалга оширилди. Қалқонсимон безнинг ультратовуш текшируви шифокороар М.А.Расулов, Ш.Ш.Илясов ва Д.А. Шорасулова томонидан (Аюка аппарати ёрдамида, 7–12 МГц диапазонда ишлайдиган чизиқли датчиклар) қўлланилган ҳолда ўтказилди. Қалқонсимон безнинг ингичка игна аспирацион биопсияси (ТАБ) ультратовуш назорати остида эндокринолог-жарроҳлар А.А.Зайлобов, О.А. Рахимжанов ва М.М. Рашидов томонидан бажарилди. Биоптатлардан

хавода қуритилган ва Diff-Quick ҳамда тезкор Папаниколау, гематоксилин-эозин усуллари билан бўялган цитологик суртмалар тайёрланди.

### ИЗЛАНИШ ДИЗАЙНИ



Изох: 1 гуруҳ - ҚБ тугунли ҳосилалари 1 смгача мавжуд беморлар , 2 гуруҳ - ҚБ тугунли ҳосилалари 1 смдан катта беморлар , 3 гуруҳ- ҚБ кўптугунли ҳосилалари 1 смгача мавжуд беморлар , 4 гуруҳ - ҚБ кўптугунли ҳосилалари 1 смдан катта беморлар;

### 1-расм. Тадқиқот дизайни

Ҳар бир ҳолат бўйича 2 тадан 6 тагача цитологик слайд тайёрланиб, улар РИЭИАТМ Соғлиқни сақлаш вазирлигига карашли академик Ё.Ҳ. Турақулов номидаги марказда гистолог (тиббиёт фанлари номзоди Иссаева С.С.) томонидан таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш учун 150 нафар респондентнинг кўрсаткичлари EXCEL электрон жадваллари асосида яратилган маълумотлар базасига киритилди. Олинган натижалар SPSS, Microsoft Excel ва STATISTICA 6 стандарт дастур пакетлари ёрдамида қайта ишланди.

Диссертацияда маълумотларни таҳлил қилиш учун дисперсион таҳлил ва корреляцион таҳлил усуллари қўлланилди.

Қўлланилган даволаш усулари Қалқонсимон без тугунли ҳосилаларини (ҚБТХ) даволашда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: жарроҳлик амалиёт усуллари - субтотал ва тўлиқ тиреоидэктомия, консерватив терапия (МТ), комбинациялашган терапия (КТер). Барча беморларнинг даволаш усуллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги академик Ё.Ҳ. Турақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг эндокрин жарроҳлик бўлимида амалга оширилди.

Тадқиқотда иштирок этган мутахассислар: т.ф.д. профессор С.И.Исмаилов, М.М. Рашитов, Н.А.Алимжанов ва бошқалар.

**Қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилалри мавжуд бемоларда иккита даврда ўтказилган жарроҳлик амалиёти**

Жарроҳлик амалиёти тури	Ўтказилган жарроҳлик амалиёти сони		Жами
	1990-2000йй. (n=406)	2010-2020йй. (n=826)	
Тиреоидэктомия	70 (17,2%)	65 (7,9%)	135 (10,8%)
ҚБ тўлиқ субтотал резекцияси	55 (13,5%)	61 (7,4%)	116 (9,4%)
Гемитиреоидэктомия ҚБнинг бошқа бўлакчаси билан резекцияси	68 (16,7%)	98 (11,9)	166 (13,5%)
ҚБ субтотал резекцияси	88 (21%)	253 (30,7%)	341 (27,7%)
Гемитиреоидэктомия	89 (21,9%)	178 (21,6%)	267 (21,7%)
ҚБ қисман резекцияси	36 (8,9%)	171 (20,7%)	207 (16,8%)
Жами	406 (32,9%)	826 (67,9%)	12320%)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, энг кўп қўлланилган жарроҳлик амалиёт усуллари - гемитиреоидэктомия ва субтотал резекция бўлиб, уларнинг улуши ҳар икки даврда ҳам юқори даражада сақланиб қолган (умумий жарроҳлик амалиётлари мос равишда 22% ва 28% ни ташкил этган). Қисман резекциялар улуши иккинчи даврда сезиларли даражада ортган - 8,9% дан 20,7% гачани ташкил этган. Тиреоидэктомия ва чегаравий субтотал резекция нисбатан кам қўлланилган вариантлар бўлиб, уларнинг улуши 11% дан ошмаган. Сўнгги йилларда (2010–2020 йй.) камроқ радикал жарроҳлик аралашувларига мойиллик ва жарроҳлик амалиётлар сонининг умумий ўсиши кузатилмоқда. Бу ҳолат қалқонсимон без касалликларига бўлган ташхис ва даволаш ёндашувларининг ўзгариши ҳамда тугунли ҳосилаларнинг клиник хусусиятларига мос равишда терапевтик жараёнларнинг тўлиқлигича акс эттириши мумкин.

**Учинчи боб - “Тадқиқот натижаларининг тавсифи”** да 1990–2020 йиллар орлигида қалқонсимон без касалликлари бўйича жарроҳлик амалиёти билан даволанган 1232 нафар беморни қамраб олган ретроспектив тадқиқот натижалари келтирилган.

**Тадқиқотдаги беморлар гуруҳларининг тавсифи.**

Олиб борилган ретроспектив таҳлил 1990–2020 йиллар орлигида жарроҳлик амалиёти ўтказилган 1232 нафар беморни ўз ичига олди. Материал икки давр бўйича гуруҳларга ажратилган: биринчи гуруҳни - 1990-2000 йиллар даврида жарроҳлик амалиёти ўтказилган 406 нафар бемор (32,9%) ташкил этди, иккинчи гуруҳни - 2010-2020 йилларда жарроҳлик амалиёти ўтказилган 826 та нафар бемор (67,1%) ташкил этди. Гендер бўйича тақсимланишда ҳар иккита даврда ҳам аёллар сонининг устунлиги статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди ( $p < 0,049$ ). Умумий текширувда аёллар 65,1% (802 нафар), эркеклар 34,9% (430 нафар) ни ташкил этган.

Биринчи даврда аёллар ва эркеклар нисбати мос равишда 60,6% ва 39,4%, иккинчи даврда эса 67,3% ва 32,7% ни ташкил этган. Ёш тузилишига кўра, беморлар орасида ўрта ёшдаги гуруҳлар устунлик қилган: 25–44 ёшли беморлар - 30,6% (377 нафар), 45–59 ёшлилар - 44,4% (547 нафар), 60 ёшдан катталар - 22,5% (278 нафар), энг кичик улушни 18–24 ёшли беморлар ташкил этган - жами 1,2% (15 нафар)дир.

## Беморларни ёшига ва жинсига оид таксимланиши

Ёшига оид гуруҳ	Эркаклар (n=430)	Аёллар (n=802)	Жами (n=1232)
18-24 ёш	6 (1,4%)	9 (1,1%)	15 (1,2%)
25-44 ёш	128 (29,8%)	249 (31,0%)	377 (30,6%)
45-59 ёш	186 (43,3%)	361 (45,0%)	547 (44,4%)
60-74 ёш	110 (25,5%)	183 (22,9%)	293 (23,8%)

**Қалқонсимон безда ўтказилган жарроҳлик амалиётлар таҳлили**

Тадқиқот даврларида бажарилган жарроҳлик амалиёти структурасида сезиларли ўзгаришлар кузатилган бўлиб, бу ҳолат тиреоидология соҳасидаги жарроҳлик ёндашувларининг эволюциясини акс эттиради.

1990–2000 йиллар даврида энг кўп қўлланилган жарроҳлик амалиёт тури гемитиреоидэктомия бўлган - 89 та ҳолат (21,9%). Бу даврдаги амалиётлар қалқонсимон безнинг функционал тўқимасини имкони борича сақлаб қолиш зарурлиги ҳақидаги ёндашувларга асосланган эди.

2010–2020 йиллар даврида эса операциялар тузилишида муҳим ўзгариш кузатилди: асосий устувор усул қалқонсимон безнинг субтотал резекцияси бўлиб, 253 та операция (30,7%)ни ташкил этди. Бу ҳолат жарроҳлик техникасининг такомиллашиши ва қалқонсимон без касалликларидаги онкологик хавфларнинг яхшироқ тушуниб ҳис қилиниши билан изоҳланади.

## 4-жадвал

**Босқичли даврларда жарроҳлик амалиётларининг турлари ва сони**

Жарроҳлик амалиёт тури	1990-2000 йй. (n=406)	2010-2020 йй. (n=826)	Жами (n=1232)
Тиреоидэктомия	70 (17,2%)	65 (7,9%)	135 (10,8%)
ҚБ тўлиқ субтотал резекцияси	55 (13,5%)	61 (7,4%)	116 (9,4%)
Гемитиреоидэктомия ҚБнинг бошқа бўлакчаси билан резекцияси	68 (16,7%)	98 (11,9%)	166 (13,5%)
ҚБ субтотал резекцияси	88 (21,0%)	253 (30,7%)	341 (27,7%)
Гемитиреоидэктомия	89 (21,9%)	178 (21,6%)	267 (21,7%)
ҚБ қисман резекцияси	36 (8,9%)	171 (20,7%)	207 (16,8%)

Энг сезиларли ўзгаришлардан бири - қалқонсимон безнинг қисман резекцияси 8,9% дан 20,7% гача кўпайиши ( $p < 0,001$ ) бўлиб, бу ҳолат замонавий тарзда органни сақлаб қолувчи жарроҳлик амалиётлари тенденциясини акс эттиради. Шу билан бир вақтда, радикал тиреоидэктомиялар улуши 17,2% дан 7,9% гача камайган ( $p < 0,001$ ), бу эса амалдан олдинги аниқ ташхис қўйиш имкониятларининг яхшиланиши ва аралашув ҳажмини танлашда селектив ёндашувнинг ривожланиши билан боғлиқдир.

**ACR TI-RADS таснифидан фойдаланиш натижалари.**

ACR TI-RADS (2017) таснифи мезонларига мувофиқ 1990–2000 йилларда жарроҳлик амалиёти қилинган 406 нафар беморнинг УТТнинг ретроспектив маълумотлари таҳлили қуйидаги тақсимотни кўрсатди: TR1 (бенихоя

ўзгаришлар) - 179 бемор (44,1%), TR2 (шубҳали бўлмаган ҳолатлар) — 127 бемор (31,3%), TR3 (суст шубҳали ҳолатлар) — 52 бемор (12,8%), TR4 (шубҳали ҳолатлар) - 37 бемор (9,1%), TR5 (юқори даражада ёмон сифатли бўлиш эҳтимоли юқори ҳолатлар) - 8 бемор (1,97%)ни ташкил этди.

5-жадвал

**Тоифалар бўйича тақсимланиши ACR TI-RADS (1990-2000 йй.)**

ACR TI-RADS тоифаси	Сони	Фоиизи	Ёмон сифатли	Саратоннинг улуши
TR1(яхши сифатли)	179	44,1%	2	1,1%
TR2 (шубҳасиз)	127	31,3%	3	2,4%
TR3 (суст шубҳали)	52	12,8%	8	15,4%
TR4 (шубҳали)	37	9,1%	15	40,5%
TR5 (юқори даражада шубҳали)	8	1,97%	7	87,5%

Ахамиятсиз ва суст шубҳали ўзгаришлар (TR1–TR3) жами 358 та ҳолатни (88,2%) ташкил этди, шубҳали ва юқори даражада шубҳали ўзгаришлар (TR4-TR5) эса 45 та ҳолатни (11,1%) ташкил қилди. Ёмон сифатли жараёнлар сони TR1 тоифасидан TR5 гача босқичма-босқич ортиб борган бўлиб, мос равишда 1,1%, 2,4%, 15,4%, 40,5% ва 87,5% ни ташкил этган. Иккинчи даврда (2010-2020 йй.) 826 нафар бемор орасидаги тақсимот қуйидагича бўлди: TR1 - 352 бемор (42,6%) TR2 - 268 бемор (32,4%), TR3 - 84 бемор (10,2%), TR4 - 58 бемор (7,0%), TR5 - 29 бемор (3,5%)ни ташкил этди. Юқори даражадаги шубҳали TR5 тоифаси улуши 1,97% дан 3,5% гача ортиши ( $p < 0,041$ ) статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, бу ҳолат ташхис қўйиш имкониятларининг яхшиланиши ва патология спекترینинг ўзгариши билан изоҳланиши мумкин.

**Bethesda тизимининг самарадорлигини баҳолаш**

Тадқиқотнинг иккинчи даврида Bethesda цитологик тизими бўйича таҳлил қуйидагича тақсимотни кўрсатди: Bethesda I (муаллақ булмаган материал) - 96 ҳолат (11,6%), Bethesda II (яхши сифатли ўзгаришлар) - 338 ҳолат (40,9%), Bethesda III (номаълум ахамиятга эга атипия) - 126 ҳолат (15,3%), Bethesda IV (фолликуляр неоплазия) - 167 ҳолат (20,2%), Bethesda V (ёмон сифатли жараёндан шубҳа қилинадиган ҳолатлар) - 81 ҳолат (9,8%), Bethesda VI (ёмон сифатли ўзгаришлар) - 26 ҳолат (3,1%).

6-жадвал

**Тоифалар бўйича тақсимланиши Bethesda (2010-2020 йй.)**

Bethesda тоифаси	Сони	Фоиизи	Ёмон сифатлилик хавфи
Bethesda I	96	11,6%	1-4%
Bethesda II	338	40,9%	0-3%
Bethesda III	126	15,3%	5-15%
Bethesda IV	167	20,2%	15-30%
Bethesda V	81	9,8%	60-75%
Bethesda VI	26	3,1%	97-99%

Таҳлил натижаларига кўра, икки давр ўртасида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланди:

— Bethesda I (муаллақ бўлмаган материал) тоифаси улуши 9,1% дан 7% гача камайган ( $p < 0,03$ ), Bethesda III (номаълум аҳамиятли атипия) тоифаси эса 5,7% дан 10,4% гача ошган ( $p < 0,03$ ). Бу ўзгаришлар цитологик таҳхисот сифати ошганини ва чегаравий ҳолатларни аниқроқ фарқлаш имконияти кучайганини аниқ кўрсатади.

### **ACR TI-RADS тизимининг таҳхисоти самарадорлиги**

ACR TI-RADS таснифининг таҳхисот кўрсаткичларини баҳолаш натижасида барча тоифалар бўйича махсуслик даражаси юқори эканлиги аниқланди: TR2 - 99,75%, TR3 - 94,78%, TR4-97,23%, TR5-100%. Сезувчанлик кўрсаткичлари эса нисбатан кенг доирада ўзгарган: TR5 учун 54,72% дан - TR3 учун 76,88% гачани ташкил этган, бу эса ҳар бир тоифага мос равишда сезувчанлик чегараси қийматларининг фарқлари ҳар-хил бўлиши билан изоҳланади.

7-жадвал

### **ACR TI-RADS таҳхисоти тавсифлари**

<b>Тоифа</b>	<b>Сезувчанлик</b>	<b>Махсуслиги</b>	<b>PPV</b>	<b>NPV</b>
TR2	55,87%	99,75%	62,24%	93,94%
TR3	76,88%	94,78%	71,65%	90,47%
TR4	71,46%	97,23%	68,70%	97,57%
TR5	54,72%	100%	100%	56,18%

Ижобий башоратлаш қиймати (PPV) кўрсаткичи TR2 дан TR5 гача босқичма-босқич ортиб бориб, TR5 тоифаси учун 100% ни ташкил этди. Салбий башоратлаш қиймати (NPV) энг юқори даражада оралиқ тоифалар TR3-TR4 учун қайд этилди - мувофиқ равишда 90,47% ва 97,57%.

### **Асосий статистик кўрсаткичлар**

Ингичка игнали аспирацион биопсия (ИИАБ) ўтказиш частотаси биринчи даврда 49,7% дан иккинчи даврда 72,5% гача ортиши ( $p < 0,001$ ) кузатилди. Ёмон сифатли ўсмаларнинг нисбий улуши эса 1990–2000 йилларда 22,2%, 2010–2020 йилларда 16,5% ни ташкил этди ( $p = 0,02$ ).

Тўртинчи боб. **“Қалқонсимон без тугунли ҳосилалари оқибатларини башорат қилишда ACR TI-RADS ва Bethesda таснифларининг аҳамияти”**. Ушбу бобда қалқонсимон безнинг тугунли ҳосилалари (ҚБТХ) гистоструктурасини икки вақт оралигида 1990–2000 йй. ( $n=406$ ) 2010–2020 йй. ( $n=826$ ) қамраб олган комплекс равишда ретроспектив тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади - замонавий таҳхисот тасниф тизимларининг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг қалқонсимон без тугунли ҳосилалари билан боғлиқ касалликлар тузилишига таъсирини аниқлашдан иборат. Олинган маълумотлар асосида йод танқислиги шароитида қалқонсимон безининг тугунли буқоқли беморларини юритиш бўйича

алгоритм ишлаб чиқилди (2-расм). Эндемик йод танқислиги шароитида тугунли хосилалар билан кечувчи қалқонсимон беzi касалликларини бошқариш тактикаси клиник-лаборатория ҳамда ультратовуш белгиларига асосланган ҳолда, ACR TI-RADS хавф стратификацияси тизими ёрдамида баҳоланади.



**2-расм. Йод танқислиги шароитида тугунли буқоқли беморларни юритиш алгоритми**

Бирламчи текширув босқичи клиник кўрик ва қалқонсимон безини палпация қилиш, шунингдек ACR TI-RADS тизими бўйича тугун структурасини баҳолаш билан ўтказиладиган ультратовуш текширувини ўз ичига олади. ACR TI-RADS 3 тоифасига кирувчи ва ўлчами  $\geq 1,5$  см бўлган тугунлар аниқланган беморлар кенгайтирилган диагностика протоколига киритилди. Барча беморларда тиреотроп гормон (ТТГ) ва эркин тироксин (свТ4) даражаси аниқланди. ТТГнинг  $\geq 5,2$  мМЕ/л бўлиши қалқонсимон безига функцияси пасайиши сифатида баҳоланди ва қўшимча текширув олиб бориш учун асос бўлди. свТ4 паст ёки меъёрнинг қуйи чегарасида бўлиши қўшимча хавф омили сифатида баҳоланди. Метаболик ҳолатни баҳолаш доирасида липид профили ўрганилди. Бу эндемик йод танқислиги мавжуд ҳудудлар учун муҳим, чунки бундай минтақаларда липид алмашинуви бузилишлари тез-тез учрайди. Хавф омиллари қуйидагилар деб ҳисобланди: умумий холестерин (УХ)  $\geq 6,2$  ммоль/л, триглицеридлар (ТГ)  $\geq 2,1$  ммоль/л. Ёркин ифодаланган дислипидемия қалқонсимон безининг узоқ давом этувчи гипофункциясининг билвосита белгиси сифатида қаралди. Ультратовушда хавфни оширувчи морфологик белгилари сифатида микрокальцинатлар, тугунларнинг нотекис ёки инфилтратив контурлари қайд этилди. Қўшимча прогностик омиллар сифатида тана вазн индекси (ТВИ  $\geq 28,7$  кг/м<sup>2</sup>) ва тугунли хосилаларнинг

